

ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ГЎДАКЛИК, ИЛК ВА МАКТАБГАЧА ЁШДА ОИЛАДА ТАРБИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

М. У. Хамидова

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети в.б. доценти
mxamidova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг хулқи психологияси ва тарбиясининг тўғрилаш усуллари ҳақида бўлиб, у ўз ичига асосан мактабгача таълим яни боғча ва ундан кичик ёшдаги болаларда турли хил машғулотлар ўтказиш ва ёш боланинг онги улғайган боланинг онгидан яхшироқ ишлаши ҳақидаги маълумотларни қамраб олган. Бундан ташқари, боладаги умумривожлантирувчи ва коррэксион йўлларнинг афзаллик томонлари ҳақида ҳам сўз борган.

Калит сўзлар: супдопедагог, тарбия, психология, бола, мактабгача таълим.

CHALLENGES AND SOLUTIONS OF FAMILY EDUCATION AND DEVELOPMENT OF CHILDREN WITH HEARING DISABILITIES IN CHILDHOOD, EARLY AND PRESCHOOL AGE

ABSTRACT

This article is about the psychology and behavior of children with hearing impairments and includes information on pre-school education, kindergarten and younger children, and how a child's mind works better than an adult's. There was also talk of the advantages of general developmental and correctional pathways in the child.

Keywords: upbringing, psychology, child, preschool education.

КИРИШ

Одатда, гўдаклар ва икки - уч ёшгача бўлган болалар оилада тарбияланади ва ота - оналар фарзанди ривожланиши учун жуда кўп нарса қилишлари мумкин.

Умумривожлантирувчи ва коррэксия ишлари қанчалик эрта

бошланса, унинг натижалари шунча яхши бўлади. Эшитишида нуқсонни бўлган боланинг илк ёшдаги ривожланишининг асосий шарти эшитишни протезлаш саналади. Ота-оналарга тўғри танланган эшитиш аппаратларининг афзалликларини тушунтириш зарур: атроф оламдаги товушларни идрок этиш имконияти предмет ва ҳодисаларнинг хоссаларини билиш; бола хулқини бошқариш учун жуда зарур. Эрта протезлаш нутқни кўриб-эшитиб идрок қилишнинг ривожланиши учун (бунинг самарадорлиги кўриб идрок этишга қараганда анча юқори); эшитиш идроки, ўз нутқини назорат қилиш учун алоҳида аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ота-оналарга, аппаратдан фойдаланиш қоидаларини: индивидуал эслатмаларнинг мавжудлиги, аппарат иш режимини тўғри танланиши, ундан фойдаланиш ва унга тўғри қарашнинг муҳимлигини тушунтириш зарур. Эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли иш натижасидагина юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Нутқ кўп сўзли бўлмаслиги: бир хил вазиятларда айнан бир хил иборалардан фойдаланиш керак, шунда бола уларни тушунишга тезроқ ўрганади.

Эшитмайдиган бола билан мулоқотда айрим махсус ҳолатларни ҳисобга олиш керак. Кичкинтой ҳамини гапираётган кишининг юзини кўриб туриши, унинг эътиборини лаблар ҳаракатига қаратиш керак. Болада эшитиш аппарати бўлса, у билан 1 метргача масофадан туриб мулоқот қилиш керак, бунда бола нутқни кўриш- эшитиш асосида идрок этади. Баъзан сўзнинг, масалан, ўйинчоқ номининг жаранглашини аниқлаштириш учун уни бир неча бор такроран талаффуз қилиш, шунингдек уни эшитиш учун тақдим қилиш, юзни қўл билан тўсиш, сўзни боланинг ёнида ё орқасида туриб талаффуз қилиш (токи бола сўзловчининг лабларини кўрмасин) мақсадга мувофиқ. Бола билан уйда, кўчада мулоқот қилиш жараёнида унинг эътиборини жаранг сочадиган предметларга қаратиш, товушга тақдидни қайтариш, жаранг сочадиган предметларни айтиш (кучукча вовуллади: Вов-вов; машина визиллайди: виз-виз) керак. Бола сўз ёки товушларни қайтаришга уринганда катта одам уларни қўллаб-қувватлайди, қайтаради, боланинг ҳаракатларини маъқуллайди, у билан бирга қувонади.

Боланинг амалда бутун фаолияти катталар томонидан ташкил этилиши ва болага педагогик таъсир билан боғлиқлигига қарамай, болалар билан

мунтазам машғулотлар ўтказиш керак, уларнинг мазмуни умумий ривожлантириш иши, нутқни, эшитиш идрокини ривожлантиришга оид махсус ўйин ва машқлардан иборат бўлади. Машғулотлар давомийлиги ва миқдори боланинг ёши, психофизиологик ҳолатига боғлиқ. Машғулотлар кун давомида бир неча марта ўтказилади. Мутахассислар бир ёшгача бўлган болалар билан бир кунда учта 3-5 дақиқалик; икки ёшгача болалар билан икки-учта 10 дақиқалик; икки ёшдан беш ёшгача болалар билан 15-20 дақиқалик машғулот ўтказишни тавсия қилади. Машғулотлар, одатда, куннинг биринчи ярмида ва кундузги уйқудан кейин ўтказилади. Турли йўналишдаги машғулотлар ўзаро алмаштириб борилади. Машғулот ўтказиш жойларини: гиламда, ўйин бурчагида, стол атрофида аниқлаш керак. Машғулотларга тайёргарлик: ҳар бир машғулот мақсадини ўйлаб олиш, унинг режасини ишлаш, турли хил дидактик материални танлаш катта аҳамиятга эга. Ота-оналарга эшитмайдиган бола билан оилада машғулотлар ўтказиш юзасидан батафсил маслаҳатни, одатда ота-оналарга педагогик ёрдам кўрсатадиган супдопедагог бериши лозим.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Болани умумий ривожлантириш бўйича ишлар, бир томондан, боланинг билиши ривожланишини рағбатлайди, фаолият турлари ривожланишига кўмаклашади, бу мулоқотнинг ривожланиши ва нутқий ривожланиш омиллари шаклланиши учун муҳим. Иккинчи томондан, бу ишларни амалга ошириш жараёнида катта ҳажмдаги нутқий материалдан фойдаланиладики, буни бола аста-секинлик билан ўзлаштира боради.

Нутқ ва эшитишни ривожлантириш бўйича ишларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири эшитиш нутқ муҳитини ташкил этиш саналади. У эшитиш аппаратларидан фойдаланилгани ҳолда бола билан доимий нутқий мулоқотни кўзда тутаяди.

Нутқни шакллантириш кўп қиррали жараён саналади. Унинг турли шакллари, аввало мулоқот асосини ташкил этадиган оғзаки нутқни ривожлантириш зарур. Машғулотларни эрта бошлаш – шубҳасиз, муваффақият омили. Бола ҳали ўзига хос мулоқот шакллари билан бирортасини ўзлаштириб, ўзининг камчилигини, ҳамма каби эмаслигини тушуниб, ҳис қилиб улгурмаган.

Эшитиб идрок этишни ривожлантириш боланинг билиш фаолияти, нутқ ва талаффузни идрок этиш механизмлари шаклланиши учун катта

аҳамиятга эга. Қолдиқли эшитишни ривожлантириш бўйича ишларни эрта бошлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади, шу сабабли эшитиш функциясини ривожлантириш бола ҳаётининг биринчи йилларида тобора сензитив даврда амалга оширилади, бунда эшитиш анализатори физиологик жиҳатдан етилади, бу педагогик ишсамарадорлигини таъминлайди.

Эшитиш идрокини ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар билан бир пайтда болаларни реакция қилиш ва турли маиший шовқинлар, табиий товушлар, транспорт сигналларини тушунишга ўргатилади. Аудиоёзувларни эшитиш ҳам эшитиш идрокининг ривожланишига кўмаклашади. Катта ёшли киши бола билан бирга мусиқа тактига мос ҳаракат қилади, боланинг ўзини рақс ҳаракатларини бажаришга ундайди.

Ота-она учун асосий ва энг мураккаб вазифа – машғулотларда тўғри тон (оҳанг), бола билан муомаланинг тўғри шаклини топа билиш. Она (гарчи бола билан доимий шуғулланиш керак бўлса-да) ўқитувчи эмас, аввало она бўлиши керак. Машғулотлар ҳаёт билан табиий тарзда уйғунлашиб кетганидагина бунга эришиш мумкин бўлади. Ота-оналар боласи билан имкон қадар кам вақтини стол атрофида ўтказишлари тавсия қилинади.

Бироқ ота-она қийинчиликларга тайёр туриши лозим. зеро карликнинг кўрқинчли тўсиғини енгиб ўтиш учун ота-онадан узоқ ва машаққатли меҳнат талаб қилинади. Қолаверса, қийинчиликларни қай тарзда енгиб ўтиш ҳаммага ва ҳамма вақт ҳам тушунарли бўлавермайди.

Мактабгача ёш даври – инсон ҳаётида муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи палла. Бу даврда асосий одатлар, кўникмалар шаклланади, характер белгиланади, яъни бутун кейинги ҳаёт асослари қурилади, барпо этиладиган ҳар қандай иморат учун пойдевор нима эканини жуда яхши биламиз...

Мактабгача ёшдаги болалар билан илк ёшда бошланган ишлар давом эттирилади. Ота-оналар боланинг ривожланишидаги ютуқларини тўғри баҳолашлари лозим. Уларга ортиқча баҳо бериш педагогик бўш қўйилганлик, тенгдошларидан ортда қолиш кўринишидаги салбий оқибатларга эга бўлиши мумкин. Ота-оналарнинг бола тарбияси ва таълими бўйича фаолияти самараси кам бўлса, махсус мактабгача муассасада тарбиялашни бошлаш керак. Ота - оналар мунтазам равишда сурдопедагог консультациясини олишлари лозим. У боланинг ривожланиши ва таълимдаги натижаларини назорат қилади, ота-оналар учун мураккаб бўлган иш йўналишларини аниқлайди, бола билан коррекцион педагогик ишни

давом эттириш бўйича аниқ маслаҳатлар беради. Агар имкони бўлса, уйда тарбия олаётган болалар ота-оналар хузурида сурдопедагог машғулот ўтказадиган, уйда шуғулланиш юзасидан маслаҳат берадиган қисқа муддатли гуруҳларга ташриф буюриши керак.

Тарбияни эрта бошлашнинг аҳамияти ҳақида кўплаб файласуф ва олимлар фикр билдирган. Психологлар тадқиқотлари ҳам ҳаётининг илк кунларидан мақсадга йўналтирилган, яъни махсус ташкил этилган тарбия инсоннинг ривожланиши учун катта аҳамият касб этишини исботламоқда.

Мамлакатимизда мактабгача тарбиянинг бола туғилганидан бошлаб то мактабга қабул қилингунига қадар даврни қамраб олган ягона тизими, эшитишида нуқсони бўлган болалар учун эса махсус мактабгача тарбия муассасалари жорий этилган. Кар ва заиф эшитувчи бола учун мактабгача тарбия алоҳида аҳамият касб этади, чунки илк даврида, тахминан бир ёшгача, ҳали боланинг тили чиққунига қадар эшитадиган ва кар болалар ўртасидаги тафовут у қадар кўзга ташланмайди. Эшитишида муаммоси бўлган болани нутққа ўргатишни қанчалик эрта бошласангиз, унинг ривожланишида эшитадиган бола билан фарқ шунчалик кам ва кейинги таълим имкониятлари шунчалик кўп бўлади. Болалар боғчасида сурдопедагог ва тарбиячилар уни шу ёшдаги эшитадиган болани ҳамма нарсага: расм солиш, ёпиштириш, куриш, сана шва хатто рақс тушишга ўргатишади. Ҳамма болалар каби уни ҳам меҳнатга, озодаликка, мулойимликка ўргатишади. Бунда меники-бизники, мумкин-мумкин эмас, рост-ёлғон каби кўплаб ҳаётий муҳим, илк ёшда шакллантириладиган ва бевосита тарбия натижаси саналмиш тушунча ва кўникмалар шакллантирила бошлайди.

Эшитишида муаммоси бўлган мактабгача таълим ташкилотида, болаларни гапириш ва нутқни тушунишга ўргатишади, унинг қолдиқли эшитишини ривожлантирилади.

Таълимни кечиктириб бўлмайди. Чунки бу давр ичида эшитадиган бола эшитиб ва эслаб қолган ҳар бир сўз билан кар бола ҳамда эшитадиган бола ўртасидаги фарқ ортиб бораверади.

Ота-оналар кар болаларнинг мактабгача тарбиясидаги учта муҳим дастлабки қонидани билишлари керак.

Биринчиси. Соғлом кар боланинг ақлий ривожланиш имкониятлари эшитадиган боланикидан асло кам эмас. Юқори даражада талабчанлик ва малакали таълим билан уйғунлашган муҳаббат - шу имкониятларни реализациялаш имконини берадиган шарт-шароит шундан иборат.

Муваффақиятга ишониш, шу ишончни болада тарбиялаш олиш – қар болани бахтли қилиш ва ўз нуқсонини ҳис қилмаслик, ҳеч бўлмаганда ундан азият чекмасликка ёрдам беришнинг муҳим омили.

Иккинчиси. Тарбиянинг умумий масалалари, унинг ҳиссиёти, хулқини тарбиялаш махсус тарбияга қараганда иккинчи даражали эмас, балки махсус тарбиянинг асосини ташкил қилади. зеро фарзанд, аввало фарзанд, кейин эса қар. Буни унутмаслик лозим. унинг маънавий қиёфаси, унинг шахсини тарбиялаш – махсус ўқитишнинг ҳар бир вазиятини белгилайдиган асосий жиҳат шу. Бунда қар бола хулқини тарбиялашга унинг эшитадиган тенгдошининг хулқини тарбиялашга каби ёндашиш зарур.

Учинчиси. Болани соқовликдан асраб қолиш, атрофдагилар билан мулоқотга ўргатиш учун барча воситалардан фойдаланиш керак. Қар болани ўқитишнинг (ота-оналар учун) тобора самарали ва қулай воситалардан бири дактил (бармоқлар) нутқи саналади. кичик ёшдаги қар болаларни ўқитишда ундан кенг фойдаланилади.

Дактил нутқ – қар болаларни ўқитишнинг қудратли воситаси, у луғат бойлиги ва натқни ўзлаштириш сифатини, шунингдек қар болаларнинг умумий ривожланиш даражасини бир неча баробар ошириши мумкин. Қар болаларнинг мактабгача ва мактаб таълимида дактил нутқдан фойдаланилади. Дактил нутқ – оғзаки нутқнинг бир кўриниши. Ундан фойдаланиш – сўзларнинг маъносини тушуниш, тилнинг грамматик қурилишини эгаллаш демак. Бу нутқни ҳам оғзаки ҳам ёзма шаклда эгаллашга кўмаклашади.

Дактил белгини нафақт идрок этиш, балки товушга қараганда қайта яратиш ҳам анча осон. Хатто икки ярим ёшли бола ҳам дактил алифбони ўзлаштира олади. Уч ёшли болалар уни 15-30 кунда ўзлаштиради. Бу жуда муҳим, чунки бу тарзда болага сўз ёрдамида мурожаат қилиш, эшитадиган болага каби исталган предметни айтиш мумкин. Буни сўзни овоз чиқарибгина эмас, балки бармоқлар ёрдамида ҳам «талаффуз қилиш» керак. Бунда бола ҳар бир сўзнинг ҳарф таркиби ва грамматик қурилишини аниқ идрок этади. Шу тариқа уни нутққа ва мулоқотга ўргатиш бошланади. Бунда худди эшитадиган боладагига ўхшаш жараён кечади. Вақт ўтиши билан, товушларни талаффуз қилишга ўрганган бола бармоқлари ёрдамида «айта оладиган» сўзларини ва ибораларини оғзаки шаклда ҳам қўллайди.

Ота-оналар олдида иккита вазифа туради: ҳар бир белгини тўғри кўрсатиш ва у алифбодаги қайси ҳарфни англатишини билиш.

Унутмаслик керакки, белгиларни моҳирлик билан кўрсата олиш

(дактиллаш) биринчи дастлабки шарт. Бунинг учун айрим қоидаларни билиш керак: ўнг қўл билан «сўзлаш» керак. Қўлни кўкрак қафаси даражасида тутилади. Ўнг тирсак ўнг ёнга сиқилган. Қўл билан «гаплашганда», асосан, бармоқлар ҳаракатланиши лозим. Бунда ёзиш ва ўқишдаги жараён билан маълум умумийлик кўзга ташланади: сўзларни дактиллаб, ёзув жараёни ўзига хос тарза такрорланади, уни идрок қилаётган бола эса ўқиш жараёнини такрорлайди.

Бир пайтнинг ўзида гапирилса ва дактилланса, бунинг учун дактиллаш техникаси жуда яхши ривожланган бўлиши талаб қилинади, талаффуз бироз секинлаштирилади, бироқ бўғинлаб талаффуз қилинмайди, акс ҳолда бу боланинг оғзаки нутқида, унинг лабдан ўқишида ва талаффузида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўқишга ўргатиш мактабгача ёшда катта аҳамият касб этади. Бўғинлаб ўқиш методикасидан фойдаланилади, у қирқма алифбо билан ишлаш, боланинг босма ҳарфлар билан ёзуви ҳисобига тўлдирилади. Ўқишни шакллантириш учун дастлаб фаолоият турлари жараёнида босма ҳарфлар билан ёзилган сўзлар, жумлалар акс эттирилган табличчалардан фойдаланилади. Бола уларни дастлаб яхлит, кейинроқ бўғинлаб идрок эта бошлайди. Ўқиган жумла ва сўзларини тўғри тушунишини аниқлаш жуда муҳим. Бу мақсадда бола ўқиб бўлгач, предметни кўрсатади, ҳаракатни бажаради, тушунганини расмда, аппликацияда акс эттиради. Англаб ўқиш кўникмаларини шакллантириш учун бола ҳаётидаги ҳодисаларни акс эттирадиган қўлбола китобчаларни тайёрлаш ва ўқиш тавсии қилинади. Китобчадаги расмларни дастлаб катталар боланинг иштирокида, кейинроқ боланинг ўзи бажаради. Қўл бола китобчалар тайёрлаш ва ўқиш боланинг ўқишга қизиқишини қўллаб-қувватлайди.

Диққат, тасаввурни ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳикоя қилиш саналади. Бунда катта ёшли киши болага кичик ҳикояларни айтиб беради, кўргазмалиликни таъминлаш учун ўйинчоқлар, қатнашчиларни акс эттирадиган фигурачалар, расмлардан фойдаланилади. Болани катта одамнинг эмоционал ҳикоясини кузатишга ўргатилади. Айнан бир хил ҳикояларни қайта-қайта айтиб бериш боланинг ўзи дастлаб ҳикоя қисмларини, кейинроқ бутун ҳикояларни айтиб беришига олиб келади. Ҳикоя қилиш жараёнида катта мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорлик: ҳикоянинг давомини ўйлаб топиш, уларни мустақил ўқиш ривожланиши мумкин.

Сўз структурасини мустаҳкамлаш учун аввал сўзларни табличкалардан кўчириш ва ёд олиш, кейин сўз ва жумлаларни хотирадан ёзиш кабилдардан фойдаланилади. Ёзувга қизиқишни шакллантириш учун турли методик усуллардан фойдаланилади: расмлар остига ёзиш, хат-топширик, хат-илтимоснома, кўриш-эшитиш ва эшитишга оид диктантлар. Катта мактабгача ёшдаги болалар қилган ишлари, бошқаларнинг қилаётган ишлари юзасидан ҳисобот ёзишни, сюжетли расмни тавсифлаш, дам олиш кунлари ҳақида бир неча боғланишли гап ёзишни билиши керак.

Бола нутқининг ривожланиши, талаффузни эгаллаш нутқий эшитиш, атроф оламдаги товушлар ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайиши билан чамбарчас боғлиқ. Мактабгача ёш даврида нутқни эшитиб идрок этишни ривожлантириш босқичли тарзда давом эттирилади. Болаларни таниш овозни фарқлаш ва таниш нутқий материални (эшитиб) таниб олишга ўргатилади. Бу боталарда акустик образларнинг узок муддатли эшитиш хотираси, нутқни идрок этиш жараёнида улар билан операциялашга кўмаклашади.

Параллел равишда янги сўз, сўз бирикмалари, жумлаларни фарқлаш бўйича ишлар олиб борилади. Болага нотаниш сўзлар эшитиш учун тақдим этилади, бу эшитиш идрокини ривожлантириш ишлари изчиллигига боғлиқ тарзда амалга оширилади. Махсус машғулотлар, кундалик фаолиятда тўпланадиган эшитиш луғати бу материални тўлақонли ўзлаштиришнинг шarti бўлиб, турли типдаги сўз ва жумлаларнинг мазмун ва талаффуз томони шаклланишини таъминлайди. Эшитиб идрок этишнинг ривожлантириш талаффуз устида ишлаш билан узвий боғлиқ. Зеро таклиф этилган материални бола оғзаки тарзда қайта яратади ва акустик образларни аниқлаштириш жараёнида сўзнинг товуш-бўғин ва ритмик-интонацион характеристикасини фарқлаш ва аниқлаштириш амалга оширилади. Эшитиш идрокини ривожлантириш жараёнида бола нутқий материални идрок этиш масофаси орттириб борилади. Кар болаларни нормал баландликдаги, заиф эшитувчиларни эса, шивирлаб гапирилганни идрок этишга ўргатилади.

Агар бирор сабабга кўра болангизни эшитишида нуқсонни бўлган болалар учун махсус муассасага топшириш имконига эга бўлмасангиз, болангиз тарбиясини уйда ташкил қилинг.

Бунинг учун:

1) боланинг яхши жасмоний ривожланишига тетик, ҳаётдан қувониш ҳолатининг устун бўлишини таъминлаш;

- 2) тафаккур ва нутқ, диққат ва хотирасини ривожлантириш;
- 3) болада атрофдагилар билан мулоқот эҳтиёжини тарбиялаш;
- 4) ирода, ҳақиқатгўйлик, мардлик, ўртоқлик ҳиссини тарбиялаш;
- 5) болага элементар гигиеник-маданий кўникмаларни сингдириш ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатиш зарур.

ХУЛОСА

Энг аввало, болангизнинг маиший турмушини ташкил қилинг. Унинг ёшига мос келадиган тартиб ўрнатинг. Фарзандингиз ўз вақтида (болалар поликлиникаси шифокори кўрсатмасига мувофиқ) ухлаши, овқатланиши, ўйнашига, тоза хавода имкон қадар кўп бўлишини назорат қилинг.

REFERENCES

1. Психология глухих детей. /Под ред. Соловьев И.М., Шиф Ж.И., Розановой Т.В., Яшковой Н.В. –М., 1991.
2. Махсус педагогика М.У. Хамидова. -Тошкент 2018
3. Pedagogik- psixologik diagnostika D.A.Nurkeldieva Toshkent “VNESHINVESTPROM”, 2019 y.